

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЎРИНОВ, А.СОТВОЛДИЕВ Параболо - гиперболик типдаги модель тенглама учун учинчи чегаравий шартли нолокал масала	5
Э.МАДРАҲИМОВ, М.МИРЗАКАРИМОВА Математик статистика таҳлил қилиш усулининг бир масалалага татбиғи	11
Д.ОРИПОВ Қаср тартибли бир оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал масалалар	17
М.АБДУМАННОПОВ Мавҳум аргументли бессель функцияси қатнашган ўзгармас коэффициентли интегро-дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала	21

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Х.МАКСУДОВ, А.ДЖУРАЕВ, Ш.ШУХРАТОВ Пахта тозалаш агрегатининг аррачали барабан секцияси конструкциясини ишлаб чиқиш	25
М.НАБИЕВ, К.ГАЙНАЗАРОВА, Я.УСМОНОВ, И.ЮЛДОШЕВА Сезгир элементлардаги термоэлектрик тармоқлар сифатида қўлланиладиган <i>n-PbTe</i> пардалар баъзи хоссаларининг экспериментал тадқиғи ва уларни тузатиш	32

КИМЁ

А.ИБРАГИМОВ, А.ИБРОХИМОВ <i>Nitragia</i> индолли алкалоидлар ва уларнинг сунъий аналоглари физиологик фаоллигининг кимёвий структурага боғлиқлиги	36
---	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.КУЗИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ Ўзбекистоннинг баланд тоғли тупроқлари қоплами	39
М.ИСАҒАЛИЕВ, Х.АБДУХАКИМОВА, М.ОБИДОВ Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар геокимёси	43
В.ИСАҚОВ, У.МИРЗАЕВ Арзиқ-шухли ўтлоқи саз тупроқларнинг суғориш таъсиридаги динамикаси	47

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒОФУРОВ, Г.ХОЛМАТЖОНОВА Даромадлар ва аҳолининг банкдаги пул жамғармалардан манфаатдорлигини ошириш муаммолари	51
--	----

ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ, А.НИШОНОВ Диний бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлиги	55
Ж.ҲАЙИТОВ Туркистонда манзарали дарахтлар янги турларининг тарқалиш тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари)	61
Н.РЕЖАББОЕВ Фарғона очларига ёрдам (1923-1924 йиллар)	64
З.РАХМАНОВ, М.ХОМИДЖОНОВА Қадимги Фарғонанинг маданиятларини даврлаштириш борасида айрим фикр-мулоҳазалар	69

ФАЛСАҒА, СИЁСАТ

Б.ГАНИЕВ, С.ЭВАТОВ, М.НЕЪМАТОВА Имом Бухорий ҳадисларидаги ахлоқ-одоб қоидаларининг тадбиркорлик маданиятига алоқадорлиги	74
А.КОМИЛОВ Ёшлар турмуш маданиятини юксалтиришда таълим-тарбиянинг ўрни	77

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.ХЎЖАЕВ “Панчатантра” эпоси ва ўзбек адабиёти	80
--	----

ТУРКИСТОНДА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР ЯНГИ ТУРЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ)

Ж.Ҳайитов

Аннотация

Мақолада XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон минтақасида манзарали дарахтлар янги навларининг тарқалиш тарихи ҳақида манбалар таҳлили орқали илмий мушоҳада юритилади.

Аннотация

В статье, на основе анализа источников, представлено научное рассуждение об истории распространения декоративных деревьев и различных видов растений в Туркестане в конце XIX - начале XX вв.

Annotation

In this article by analysis of the sources about spreading new sorts of different plants and scenic trees in Turkestan at the end of 19th century and at the beginning of 20th century is scientifically observed.

Таянч сўз ва иборалар: ўсимлик, бутасимон ўсимлик, юлғун, саксовул, альфа, кендир, қарағай, арча, оқ қайин, америка қайрағочи.

Ключевые слова и выражения: растение, кустарник, тамариск, саксаул, альфа, кендырь, сосна, арча (можжевельник), белая берёза, американский карагач.

Keywords and expressions: plant, bushy plant, tamarisk bush, halaxylon, plant, alfa, archa (juniper), white birch-tree, American elm.

Кириш. Ушбу мақолада Россия империяси мустамлакаси йилларида Туркистон минтақасига манзарали дарахтлар янги навларининг кириб келиши манбалар таҳлили орқали ўрганилган. Манзарали дарахт кўчатларининг юзлаб турларини ўлка бўйлаб тарқалиши, уларни тажриба–синов участкаларидан кўчатхоналар орқали (питомник) синовдан ўтказилиши, мазкур соҳадаги ўзгаришлар, янгиликларнинг табиат манзарасига ва ўлка фаунасига таъсири масалалари, бу йўналишдаги ютуқ ва камчиликлар, истироҳат боғлари ва паркларнинг ташкил этилиши тадқиқотда тарихий далиллар орқали имкон қадар баён қилинган. Манзарали дарахтлар табиат инъоми ва мўъжизаси бўлиб, уларнинг яшовчанлиги, ўсиши, об-ҳаво, ландшафт ва тупроқ омили каби кўпдан-кўп жиҳатлар билан боғлиқ.

Инсон ўсимликларни икки гуруҳга, яъни фойдали ва зарарлига бўлиб, ўзига фойда берадиган турларини излайди. Уларни кўчириб, бир ҳудуддан иккинчисига ўтказди, янги ҳудудларда иқлимлаштириш орқали дунё бўйлаб тарқатади.

XIX аср охири чораги – XX аср бошларида Туркистонда ҳосил бермайдиган қурилишбоп ва ўтин сифатида ишлатиладиган ҳамда иссиқдан сақлайдиган, соя-салқинликни таъминлайдиган Шарқ чинори, терак, тол, гужум, ёнғоқ, тоғ ва тоғолди

ҳудудларида ўнлаб турдаги бутасимон дарахтлар, сахро ва чўлларда эса саксовул, юлғун ва чақиш каби ўсимликлар мавжуд эди. Ушбу дарахтлар уста хунармандлар томонидан ёғочсозлик соҳасида, қиш ойларида танадан ва табиий шароитдан келиб чиқиб турар-жой қуришда (қишда иссиқ, ёзда салқин-Ж.Ҳ.) каби кўплаб мақсадларга хизмат қилган. Хоразм “гужумлар мамлакати” номини олган бўлиб, ҳар бир хонадон олдида ва ҳовузлар атрофида гужум дарахтлари ўстирилган. Ёнғоқ ва тут дарахтларининг меваси истеъмол қилинса, улар танасидан уй хўжалиги жиҳозлари тайёрлаш ва ўтин мақсадида фойдаланилган. Писта ва бодом дарахтлари тоғли ҳудудларда кўп ҳолларда ёввойи ҳолда ўсиб, аҳоли улар мевасини истеъмол ва сотиш учун тўплаган, минтақанинг чўл ҳудудларида ва асриқ-каналлар бўйида, Амударё ва Сирдарё қирғоқларида катта майдонларни саксовул, қамиш ҳамда юлғунзорлар эгаллаган. Саксовул чўл ҳудудларида қум кўчиришларини тўсибгина қолмай, ердаги шўр миқдорини йўқотишда фойдали эди. Россия империяси мустамлакаси даврида саксовул юлғун каби бутасимон дарахтлар туркман ва қирғизлар томонидан аёвсиз чопиб йўқотилаётгани, уни сақлаб қолиш зарурлиги ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. “Тошкент ва Ўрта Осиё темир йўли бўйида ҳар

Ж.Ҳайитов – БухДУ тарих кафедраси таянч докторанти (PhD)

йили 1 млн. пуд саксовул кесиб йўқотилмоқда. Туркистон генерал-губернатори саксовул билан уйларини қизитишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди (1906 й. – Ж.Ҳ.) тошқўмир билан уйларни қизитишга ўтиб, мақсад гуллаб турган саксовулни сақлаб қолишдир. Шу мақсадда генерал-губернатор генерал-майор Драгинни Сирдарё вилоятига юборди”, деб ёзилади “Туркистон тўплами”да[1.85-88].

XIX аср 60-йилларидан XX аср дастлабки ўн йилликларига қадар Туркистон минтақасига мевали дарахтларнинг юзлаб янги навлари билан бирга бир қатор манзарали (декоратив – Ж.Ҳ.) дарахтларнинг турлари ҳам кириб келди.

Умуман, дарахтлар сифатига кўра юмшоқ ва қаттиқ дарахтларга бўлиниб, улар кўчатини иқлимлаштириш қишлоқ хўжалиги тажриба-синов майдонлари ва участкаларида олиб борилди. “Хаваскор боғбонлар” ҳам ўз хўжаликларида игна баргли дарахтлардан арча, шунингдек, липа, ива, берёза, ольха ҳамда қаттиқ дарахтлар туркумига кирган клён(заранг), дуб (эман), ясень (шумтол ёки шунг), рус ёнғоғи, акация кабиларни иқлимлаштиришга киришдилар. Шундай шахслардан бири 1870-1917 йилларда фаолият кўрсатган Г.Г.Оттендорф Фарғона шаҳрини кўкаламзорлаштириш ишларига бошчилиқ қилиб, 1877 йилда ташкил этган Марғилонсой қирғоғидаги питомниги (кўчатхонаси)да 1909 йилгача 240 мингта кўчат парваришлади. У ўстирган кўчатлар орасида мевали дарахтлар билан бирга шумтол, чинор, қайрағоч, акация, заранг, маклюра, бледичая, айлантус каби ўнлаб манзарали дарахтлар бор эди[2.45].

Шунингдек, 1908 йилда Дашт чўл (Голодная степь-Ж.Ҳ.) тажриба-синов майдонида ёғоч ва иссиқлик манбаи бўлган дарахт кўчатлари билан бирга, манзарали дарахтларнинг Россия, Қрим, Кавказ, ҳатто, АҚШ сингари чет эллардан келтирилган янги нав кўчатлари маҳаллий шароитга иқлимлаштирилган. Юқорида қайд этилган йилда тажриба-синов майдонида 925 туп дарахт кўчати ўтқазилиб, 725 таси Россия марказидан келтирилган пирамидасимон ва кумуш ранг терак, 90 таси маҳаллий тут кўчати, 35 таси қайрағоч, 25 донаси америка ясени (шумтоли), 25 таси америка акацияси, қолганлари манзара берадиган туп, адамово, акация, сирень, рус қайрағочи ва бошқалар эди. Ушбу кўчатлар уруғи учун 15 рубль сарфланиб, 7-8 йилдан сўнг уларни

кўпайтириш асосида бир йиллик даромадни 260 рублга етказиш мақсади кўзланган[3.210-211]. Манбаларда Туркистонга кўчирилган янги манзарали дарахтлардан хўжалик моллари тайёрлашга ҳам ўтилгани, уларни кексайган, қуриб қолганликларидан ёғочсозликда фойдаланилиб, жумладан, дубдан бочка, темир йўл шполлари тайёрлашда, лиственницадан уйларни пол қилишда, Сибирь кедридан, трасточки, рус ёнғоғи кабилардан шётка ясашда кенг қўлланилган[3]

Манзарали дарахтлар ҳукумат бинолари олдидаги боғ ва майдонларга, ариқ ва каналлар қирғоқларига, истироҳат, дам олиш боғлари ва паркларга, проспект ва кўчаларга ўтқазилиб, хушманзара кўриниш ҳосил қилишган. Шунингдек, ҳукмдорлар барпо этган меъморий обидалар олдидаги ер майдонлари ҳам анвойи гуллар билан бирга ўтқазилган манзарали дарахтлар орқали ўзгача табиий чирой очган. Шунингдек, об-ҳавони мўътадиллаштириш ёзнинг иссиқ кунда салқинликни таъминлаш, атроф-муҳит баҳорда ям-яшилликка эришиш мақсадлари ҳам кўзланган.

XIX аср охири - XX аср бошида Туркистон минтақаси бўйлаб саёҳатга чиққан Россия маъмурларидан бири Тошкент шаҳрининг Янги ва Эски шаҳарларида жойлашган кўча ва мавзеларни санъаткорона тасвирлайди. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 150 минг, Янги шаҳар қисмида 30 минг аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар марказидаги генерал-губернаторлик биноси олдида, Александр номли боғда, ҳарбийлар казармаси ва йиғилиш биноси атрофида Ғарб ва Шарқда машҳур бўлган оқ акация, яшил, пирамидасимон, кумуш рангли терак, вяз (бужун), қайрағоч, оқ пояли берёза, плень, липа, шарқ чинори, ҳатто пальма дарахтлари қад кўтариб турибди. Шаҳар янги қисми (рус шаҳри-Ж.Ҳ.)нинг Москва, Черняевка, Соборная, Петербург, Скобелев мавзеларида Варшава лизинкаси, Флорентина кашинаси, Қора денгиз- бўйи ва Кавказ ўрмонидан келтирилган дарахтлар, Сингапур парки дарахтлари, пирамидасимон кўринишдаги берёзалар қад кўтариб турибди. “Рус шаҳри тўлалигича паркни эслатади. Тошкент Қоҳира боғларини (Миср) кўз олдимизда гавдалантиради”, деб ёзганди[4.]

Тошкентнинг Эски шаҳар қисмига ҳам XIX аср охири - XX аср бошларида манзарали дарахтларнинг янги турлари кириб бориб, Салар, Қўйлик, Маҳрам, Ўратепа бўйлаб оқадиган ариқ ва анҳорлар бўйида каштан,

ТАРИХ

липа, плюша каби дарахтлар оқ терак билан бирга қад кўтариб турган. Шаҳар атрофидаги боғ ва майдонларда Хитойдан келтирилган қизил анвой гуллар билан бирга Россиядан келтирилган игна баргли дарахтлар, доимий яшиллик рамзи бўлган арча қад кўтариб турган. Тошкент атрофидаги рус посёлкалари ва қишлоқларида 6-7 сажан келадиган манзарали дарахтлар ўстирилиб, уларнинг янги шароитга иқлимлаштирилган кўчатлари бозорда ҳам сотиларди. 1 десятина ерда парваришланган манзарали дарахтлар кўчатидан, жумладан оқ терак ва берёзадан 2000 рублгача даромад олиш мумкин бўлган[5.151]. Бироқ, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзига Россия ва бошқа мамлакатлардан олиб келинган манзарали дарахтлар секинлик билан кириб борди. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида, қолаверса, Бухоро амириги ва Хива хонлиги шаҳарларига, (энг аввало рус посёлка ва шаҳарларига-Ж.Х.) манзарали дарахтлар тарқалди.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Туркистон минтақасига ўнлаб ўсимлик, гул, бутасимон ўсимлик ва манзарали дарахтларнинг янги навлари кириб келди. Маҳаллий шароит иқлимга мослаштирилган 50 турга яқин гулнинг янги навлари, ўсимлик турларидан сохта (ёлғон) акация, айланд, грек ёнғоғи, гладея, тавр соснаси, можжевельник, бояришник, Бразилия катальпаси, шилва, катаранга, берёза каби манзарали дарахтлар, шабдарь, қизил клевер каби чорва учун озубоқ экинлар, тамакининг ўнлаб янги навлари шулар жумласидандир. Ўсимликшунослик соҳасини ривожлантириш мақсадида ўсимликларнинг бир қатор ёввойи навлари чатиштириш орқали маданийлаштирилди, самарали селекция ва уруғчилик ишлари олиб борилди. Бу соҳада олиб борилган фаолият самарали бўлиб, ижобий ютуқлар қўлга киритилганлиги эътиборга лойиқдир.

Адабиётлар:

1. Бушев М. Показательное нормальное хозяйство в Голодной степи // Туркестанский сборник. –Т. 500. – С.210-211.
2. Истребление саксаула // Туркестанский сборник. – Т. 465.–С.111-112;
3. Лесничий А., Лукин. Амударьинские Кызыл-кумы // Туркестанский сборник. – Том 445.–С. 85-88.
4. Очерки Ташкента (IV часть)// Туркестанский сборник. – Т. I.–С.22.
5. О геоботанических исследованиях в Восточном Тянь-Шане и его предгориях (совершенных летом 1886 года)// Туркестанский сборник. – Т. 406.– С.150 – 158.
6. Растительное царство и его богатства // Туркестанский сборник. – Т.441.–С.114 – 118.
7. Собиров Н., Эгамназаров А. Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида немис ишбилармонларининг ҳиссаси (XIX аср охири-XX аср бошлари). -Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ; 2012. – Б. 43 – 45.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)